

**ثلاثة الأصول وأدلتها (للحرمين
(والجمعية**

**УЧ АСОС ВА УНИНГ
ДАЛИЛЛАРИ**

Уч асос ва унинг далиллари

Шайх Муҳаммад ат-Тамимий раҳимаҳуллоҳ

Уч асос ва унинг далиллари

Шайх Муҳаммад ат-Тамимий раҳимаҳуллоҳ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Шуни билингки, Аллоҳ сизга раҳм қилгур
ўқувчи, бизларга тўрт масалани ўрганишимиз
вожибдир:

Биринчи: Илм. У Аллоҳ таолони, Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Ислом динини
далиллар билан билишдир.

Иккинчи: Олган илмга амал қилиш.

Учинчи: Аллоҳга даъват қилиш.

Тўртинчи: Унинг йўлида етадиган
азиятларга сабр қилиш.

Бунга далил: Аллоҳ таолонинг қуйидаги
сўзи: Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан
(бошлайман).

﴿وَالْعَصْرَ 1 إِنَّ الْإِنْسَانَ لَفِي خُسْرٍ 2 إِلَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ
وَتَوَاصَوْا بِالْحَقِّ وَتَوَاصَوْا بِالصَّبْرِ 3﴾

«Асрга қасам.

Албатта инсон зиён-заҳматдадир.

Магарам иймон келтирганлар, яхши амалларни қилганлар ҳамда бир-бирларига ҳақни ва сабрни тавсия қилганларгина бундан мустаснодир» [Аср: 1-3].

Имом Шофеъий раҳимахуллоҳ айтадилар: «Агар Аллоҳ таоло ўз бандаларига ҳужжат сифатида фақат шу сурани нозил этганида ҳам, у улар учун кифоя бўлар эди».

Имом Бухорий раҳимахуллоҳ айтдилар: «Боб: Илм сўз ва амалдан олдиндир. Далил: Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи: «فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاسْتَغْفِرْ...»

«Бас, билинг: Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ, ўзингизнинг, мўминларнинг ва мўминаларнинг гуноҳларини мағфират қилинишини сўранг» [Муҳаммад: 19]. Шундай қилиб, Аллоҳ таоло сўз ва амалдан олдин илмни зикр қилди».

Шуни билинг-ки, (Аллоҳ таоло сизга раҳим қилсин) ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга ушбу уч масалани ўрганиш ва уларга амал қилиш вожибдир.

Биринчи: Аллоҳ таоло бизларни яратди, ризқ берди ва бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўймади,

Аксинча, бизга пайғамбар юборди: ким унга итоат қилса, жаннатга киради. Ким унга осий бўлса, дўзахга киради.

Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿إِنَّا أَرْسَلْنَا إِلَيْكُمْ رَسُولًا شَهِيدًا عَلَيْكُمْ كَمَا أَرْسَلْنَا إِلَىٰ فِرْعَوْنَ رَسُولًا ۖ فَعَصَىٰ فِرْعَوْنُ الرَّسُولَ فَأَخَذْنَاهُ أَخْذًا وَبِيلًا﴾ 16

«Албатта, Биз сизларга, худди Фиръавнга Расул юборганимиздек, сиз ҳақингизда гувоҳлик берувчи Расулни юбордик.

Бас, Фиръавн пайғамбарга осий бўлди ва Биз уни шиддатли азоб билан тутдик» [Муззаммил: 15-16].

Иккинчи: Аллоҳ таоло Ўзининг ибодатида У Зотга ҳеч бир кимса шерик қилинишига рози бўлмайди: на Аллоҳга яқин қилинган фаришта бўлсин ва на юборилган пайғамбар. Далил — Аллоҳ таоло шундай дейди:

﴿وَأَنَّ الْمَسْجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا﴾ 18

«Дарҳақиқат, масжидлар Аллоҳникидир. Бас, Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо қилманглар» [Жин: 18].

Учинчи: Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат этган ва Аллоҳни яккалаган кишига Аллоҳ ва Унинг Расулига

қарши чиққан кимсани дўст тутмоғи жоиз эмас.
Гарчи у энг яқин кишиси бўлса ҳам.

Бунга далил Аллоҳ таолонинг куйидаги сўзи:

﴿لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ أُولَئِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانَ وَأَيَّدَهُم بِرُوحٍ مِّنْهُ وَيُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ أُولَئِكَ حِزْبُ اللَّهِ أَلَا إِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾ (22)

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган қавмнинг Аллоҳ ва Расулига қарши бўлганлар билан дўстлашаётганини топмассиз. Гарчи улар ўз оталари, болалари, ака-укалари ёки қариндошлари бўлса-да. Ана ўшаларнинг қалбларига иймонни битиб қўйган ва уларни Ўзи тарафидан бир руҳ ила қўллагандир. Уларни остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатларга киритур. Унда мангу қолурлар. Аллоҳ улардан рози бўлди. Улар ҳам У Зотдан рози бўлдилар. Ана ўшалар Аллоҳнинг гуруҳидир. Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг гуруҳи муваффақият қозонгувчилардир» [Мужодала: 22].

Билингки, (Аллоҳ таоло сизни Ўз итоатига ҳидоят қилсин) Иброҳим алайҳиссаломнинг

дини бўлмиш ҳанийфийлик — ёлғиз Аллоҳгагина ихлос билан ибодат қилишдир. Шу ишга Аллоҳ таоло барча одамларни буюрган ва уларни шу мақсадда яратган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾ (56)

«Инсу жинни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим» [Зориёт: 56] Оятдаги: «Менга ибодат қилишлари учун», деганининг маъноси: «Мени яккалашлари учун», демакдир.

Аллоҳ таоло буюрган нарсаларнинг энг улуғи тавҳиддир. У эса — Аллоҳ таолони ибодатда яккалашдир.

У қайтарганларининг энг улуғи — ширкдир. Яъни, Аллоҳ билан бирга ундан бошқага ибодат қилиш.

Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا...﴾

«Аллоҳга ибодат қилинглари ва Унга ҳеч нарсани ширк келтирманглари...» [Нисо: 36].

Бас, агар сизга: «Инсон билиши вожиб бўлган уч асос нима?» дейилса,

«Банда Раббини, динини ва Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни таниши», деб айтинг.

[Биринчи асос]

Агар сизга: «Сенинг Раббинг ким?», дейилса,

Бас, айтинг: «Раббим Аллоҳ, У Зот мени ва бутун оламларни Ўз неъмاتي ила яратиб тарбия қилгандир. У Зот менинг маъбудим, менинг Ундан бошқа маъбудим йўқ». Бунга далил Аллоҳ Таолонинг сўзи:

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

«Барча ҳамдлар оламлар Рабби Аллоҳгадир» [Фотиҳа: 2]. Аллоҳдан ўзгасининг барчаси — оламдир, мен эса ўша оламнинг бир қисмиман.

Бас, агар сизга: «Раббингни қандай танидинг?» десалар,

айтинг: «Унинг оят-аломатлари ва махлуқотлари билан.

Кеча ва кундуз, қуёш ва ой Унинг (танҳолиги ва қудратига далолат қиладиган) оят-аломатларидандир.

У Зотнинг махлуқотларидан: етти осмон ва ундагилар, етти қават ер ва унинг устидагилар ҳамда иккаласининг орасидаги нарсалар.

Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿وَمِنْ آيَاتِهِ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ لَا تَسْجُدُوا لِلشَّمْسِ وَلَا لِلْقَمَرِ وَاسْجُدُوا لِلَّهِ الَّذِي خَلَقَهُنَّ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ﴾ (37)

«Кеча ва кундуз ҳам, қуёш ва ой ҳам Унинг оятларидандир. Гар фақат Унга ибодат қиладиган бўлсангиз, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар. Уларни яратган Аллоҳга сажда қилинглар» [Фуссилат: 37].

Ва яна Аллоҳнинг ушбу сўзида келганидек:

﴿إِنَّ رَبَّكُمُ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ يُعْشَىٰ اللَّيْلَ النَّهَارَ يَطْلُبُهُ حَثِيثًا وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ وَالنُّجُومُ مُسَخَّرَاتٌ بِأَمْرِهِ ۗ أَلَا لَهُ الْخَلْقُ وَالْأَمْرُ ۗ تَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ﴾ (54)

«Албатта, осмонлару ерни олти кунда яратиб, сўнгра Аршга кўтарилган Раббингиз кечани кундуз устига ёпадир. Униси бунисини шошилиб қувлайдир. Қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган қилиб яратди. Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш Унинг Ўзига хосдир. Оламларнинг Рабби – Аллоҳ буюкдир» [Аъроф: 54].

Рабб – маъбуддир! Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ 21
الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ فِرَاشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ
بِهِ مِنَ الثَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ 22﴾

«Эй одамлар, сизларни ва сизлардан олдингиларни яратган Раббингизга ибодат қилинглар. Шоядки, тақво қилсангизлар.

(Раббингиз)ки, сизлар учун ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлиши учун мевалар чиқарди. Бас, билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг» [Бақара: 21, 22].

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Ушбу нарсаларнинг яратувчиси ибодатга лойиқ зотдир».

Аллоҳ таоло буюрган ибодат турлари, масалан, Ислом, Иймон, Эҳсон; шулардан: дуо, қўрқув, умид, таваккул, рағбат, раҳбат, ҳокисорлик, хошя (қўрқувнинг бир тури), иноба, ёрдам сўраш, паноҳ сўраш, мадад сўраш, жонлиқ сўйиш, назр қилиш ва шу каби Аллоҳ таоло буюрган бошқа ибодат турлари —

барчаси фақат Аллоҳ таолога хосдир. Далил:
Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿وَأَنَّ الْمَسْجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا﴾ (18)

«Дарҳақиқат, масжидлар Аллоҳникидир.
Бас, Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо
қилманглар» [Жин: 18].

Ким ибодат турларидан бирортасини
Аллоҳдан бошқага йўналтирса, бас, у мушрик,
кофирдир. Далил: Аллоҳ таолонинг қуйидаги
сўзи:

﴿وَمَنْ يَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ لَا بُرْهَانَ لَهُ بِهِ فَإِنَّمَا حِسَابُهُ عِنْدَ رَبِّهِ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ
الْكَافِرُونَ﴾ (117)

«Ким ҳеч бир ҳужжатсиз Аллоҳ билан бирга
бошқа бир илоҳга ҳам дуо қилса, унинг ҳисоби
Рабби ҳузуридадир. Ҳақиқат шуки, кофирлар
нажот топмайдилар» [Мўъминун: 117].

Ҳадисда

"الدُّعَاءُ مَخُ الْعِبَادَةِ".

«Дуо ибодатнинг аслидир», лафзи билан зикр
қилинган.

Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي
سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ﴾ (60)

«Раббингиз деди: «Менга дуо қилинглар, сизларга ижобат қилурман. Менга ибодат қилишдан такаббурлик қилганлар яқинда хорланган ҳолларида жаҳаннамга кирадилар» [Ғофир: 60].

Қўрқувнинг далили Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи:

﴿...فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُونِ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

«Улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз!» [Оли Имрон: 175].

Умиднинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿...فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرَكَ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا﴾

«Ким Раббига рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, яхши амал қилсин ва Раббига ибодат қилишида (У Зотга) ҳеч кимни шерик қилмасин» [Каҳф: 110].

Таваккулнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидир:

﴿...وَعَلَى اللَّهِ فَتَوَكَّلُوا إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

«Агар мўмин бўлсангизлар, Аллоҳга таваккал қилинглар!» [Моида: 23]. Ва қуйидаги сўзи:

﴿...وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ...﴾

«Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, унга У
Зотнинг Ўзи кифоядир» [Талоқ: 3].

Рағбат, қўрқув ва хушуънинг далили Аллоҳ
таолонинг қуйидаги сўзидир:

﴿...إِنَّهُمْ كَانُوا يُسْرِعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَيَدْعُونَنَا رَغَبًا وَرَهَبًا وَكَانُوا لَنَا
خَشِعِينَ﴾

«Дарҳақиқат, улар яхшиликларга шошилар
ҳамда Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо қилар
эдилар. Улар Бизга хушуъ ила бўйсунувчи
эдилар» [Анбиё: 90].

Хошянинг далили: Аллоҳ таолонинг
қуйидаги сўзи:

﴿...فَلَا تَخْشَوْهُمْ وَاخْشَوْنِ﴾

«Бас, улардан қўрқманглар, Мендан
қўрқинглар!» [Моид: 3].

Аллоҳга тавба қилиш орқали қайтишнинг
далили, Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿وَأَنِيبُوا إِلَى رَبِّكُمْ وَأَسْلُمُوا لَهُ...﴾

«Раббингизга қайтинглар ва Унга
бўйсунинглар...» [Зумар: 54].

Ёрдам сўрашнинг далили Аллоҳ таолонинг
қуйидаги сўзи:

﴿إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ﴾

«Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина
ёрдам сўраймиз» [Фотиҳа: 5] Ҳадисда

﴿إِذَا اسْتَعْنَيْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ﴾

«Агар ёрдам сўрасанг, Аллоҳдан сўра».

Паноҳ сўрашнинг далили Аллоҳ таолонинг
қуйидаги сўзи:

﴿قُلْ أَغُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ﴾1

«Айтинг: «Тонг Раббидан паноҳ сўрайман»
[Фалақ: 1]. Ва қуйидаги оят:

﴿قُلْ أَغُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ﴾1

«Айтинг: «Барча инсонларнинг Раббидан
паноҳ беришини сўрайман» [Нас: 1].

Истиғосанинг далили Аллоҳ таолонинг
қуйидаги сўзи:

﴿إِذْ نَسْتَعِيْثُوْنَ رَبَّكُمْ فَاسْتَجَابَ لَكُمْ...﴾

«Ўшанда Раббингиздан мадад
сўраганингизда У сизларга ижобат қилди...»
[Анфол: 9].

Сўйишнинг далили Аллоҳ таолонинг
қуйидаги сўзи:

﴿قُلْ إِنَّ صَلَاتِيْ وَنُسُكِيْ وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِيْ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِيْنَ 162 لَا شَرِيْكَ
لَهُ...﴾

«Айтинг: «Албатта, намозим, (жонлиқ) сўйишим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Рабби бўлмиш Аллоҳ учундир.

У зотнинг шериги йўқдир...». [Анъом: 162, 163] Суннатдан: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

"لَعَنَ اللَّهُ مَنْ ذَبَحَ لِغَيْرِ اللَّهِ".

«Аллоҳдан бошқага жонлиқ сўйганларни Аллоҳ лаънатлади».

Назрнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿يُوفُونَ بِالْأَنذَرِ وَيَخَافُونَ يَوْمًا كَانَ شَرُّهُ مُسْتَطِيرًا﴾

«Улар назрга вафо қилурлар ва ёмонлиги кенг тарқаладиган кундан қўрқарлар» [Инсон: 7]

[Иккинчи асос]

Ислом динини далиллар билан билиш. Ислом дини — Аллоҳ таолога тавҳид билан таслим бўлиш, итоат билан бўйсунуш ва ширк ва унинг аҳлидан тозаланиш демакдир.

У учта мартабадан иборат: Ислом, иймон ва эҳсон.

Ҳар бир мартабанинг ўз руқнлари бор.

Исломнинг руқнлари бештадир: Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчиси деб гувоҳлик бериш, намозни тўқис адо этиш, закотни бериш, Рамазон рўзасини тутиш ва Аллоҳнинг уйига ҳаж қилиб бориш.

Шаҳодатнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидир:

﴿شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُوا الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾ (18)

«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар» [Оли Имрон: 18]

Бунинг маъноси: Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ.

«Лаа илааҳа»: Аллоҳдан бошқа ибодат қилинадиган барча маъбудларни инкор қилиш.

«Иллаллоҳ»: ибодатни фақат Аллоҳнинг Ўзигагина исбот қилиш.

Аллоҳ таолонинг мулкида ҳеч қандай шериги бўлмагани каби, Унинг ибодатида ҳам ҳеч қандай шериги йўқдир.

Бу қавлни Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи баён қилади:

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ إِنَّنِي بَرَاءٌ مِّمَّا تَعْبُدُونَ 26 إِلَّا الَّذِي فَطَرَنِي..﴾

«Эсланг, Иброҳим отаси ва қавмига деди: «Албатта, мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покман.

Мени яратган Зотгина бундан мустасно..» [Зухруф: 26, 27]. Ва яна Аллоҳнинг ушбу сўзида келгандек:

﴿قُلْ يَا هَلْ أَكْتَبِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا اللَّهَ وَلَا نُشْرِكَ بِهِ شَيْئًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَقُولُوا 64﴾

«Айтинг: «Эй аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баробар бўлган бир сўзга келингиз — ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва баъзиларимиз баъзиларимизни Аллоҳдан ўзга рабб қилиб олмайлик». Агар улар (ушбу даъватдан) юз ўгирсалар, у ҳолда сизлар: «Гувоҳ бўлингларки, биз мусулмонлар ягона Аллоҳга итоат қилгувчилармиз», деб айтингиз!» [Оли Имрон: 64].

«Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир», деб
гувоҳлик беришнинг далили Аллоҳ таолонинг
қуйидаги сўзи:

﴿لَقَدْ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنفُسِكُمْ عَزِيزٌ عَلَيْهِ مَا عَنِتُّمْ حَرِيصٌ عَلَيْكُمْ
بِالْمُؤْمِنِينَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ﴾ (128)

«Сизларга ўз орангиздан
қийналишингиздан қийналадиган, сизларга
қаттиқ қайғурадиган ва мўминларга раҳмдил,
меҳрибон бир пайғамбар келди» [Тавба: 128].

«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам
Аллоҳнинг элчиси», дегани эса — У кишига
буюрган нарсаларида итоат қилиш, хабар
берган нарсаларини тасдиқлаш, қайтарган ва
тийган нарсаларидан қайтиш ва тийилиш,
ҳамда Аллоҳ таолога фақат У киши
кўрсатгандай ибодат қилиш демакдир.

Намоз, закот ва Аллоҳ таолони яккалашнинг
тафсирининг далили Аллоҳ таолонинг
қуйидаги сўзидир:

﴿وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا
الزَّكَاةَ وَذَلِكَ دِينُ الْقَيِّمَةِ﴾ (5)

«Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳгагина ибодат
қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга,
бошқа динларга мойил бўлмасликка, намозни

тўқис адо этишга, закот беришга буюрилган эдилар. Ана шу тўғри (йўлдаги миллат)нинг динидир» [Баййина: 5].

Рўзанинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾ (183)

«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз» [Бақара: 183].

Ҳажнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿وَلِلّٰهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ اِلَيْهِ سَبِيْلًا وَمَن كَفَرَ فَاِنَّ اللّٰهَ عَنِيْ عَنِ الْعٰلَمِيْنَ﴾ (97)

«Йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилмоқ бурчи бордир. Ким куфр келтирса, бас, Аллоҳ оламлардан беҳожат бўлган Зотдир» [Оли Имрон: 97].

Иккинчи мартаба: Иймон. Иймон— етмиш нечта бутокдан иборатдир. Унинг энг афзали «Лаа илааҳа иллаллоҳ» демоқ, энг пасти эса йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Ҳаё иймоннинг бир бутоғидир.

Унинг руkning олти: Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, Қиёмат кунига ва тақдирнинг яхшисию ёмонига иймон келтириш.

Бу олти рукнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿لَيْسَ الْبِرُّ أَنْ تُولُوا وَجُوهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ بِاللّٰهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّينَ...﴾

«Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, Аллоҳга, Охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган...» [Бақара: 177].

Тақдирнинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидир:

﴿إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ ۝ 49﴾

«Дарҳақиқат, Биз ҳар бир нарсани бир ўлчов билан яратдик» [Қомар: 49].

Учинчи мартаба: Эҳсон — битта рукн. У ҳам бўлса, Аллоҳ таолони кўриб тургандай ибодат қилиш: агар сен Уни кўрмасанг, У Зот сени кўриб туради.

Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿إِنَّ اللَّهَ مَعَ الَّذِينَ اتَّقَوْا وَالَّذِينَ هُمْ مُحْسِنُونَ﴾ 128

«Албатта, Аллоҳ тақво қилганлар ва муҳсин бандалар билан биргадир» [Наҳл: 128].

Ва яна Аллоҳ таолонинг ушбу сўзида келгандек:

﴿وَتَوَكَّلْ عَلَى الْعَزِيزِ الرَّحِيمِ﴾ 217 الَّذِي يَرْزُقُكَ جِئْنَا تَقْوَمُ 218 وَتَقَلَّبَكَ فِي السَّجْدِينَ 219

«Азиз ва Меҳрибон Зотга таваккул қилинг.

У Зотки, сизни тураётган пайтингизда ҳам кўриб туради.

Сажда қилувчилар ичра кўчиб бораётганингизни ҳам кўради» [Шуаро: 217-219].

Яна Аллоҳ таоло шундай дейди:

﴿وَمَا تَكُونُ فِي شَأْنٍ وَمَا تَتْلُوا مِنْهُ مِنْ قُرْآنٍ وَلَا تَعْمَلُونَ مِنْ عَمَلٍ إِلَّا كُنَّا عَلَيْكُمْ شُهُودًا إِذْ تُفِيضُونَ فِيهِ...﴾

«Сиз нима билан машғул бўлманг ва у ҳақда Қуръондан бирон (оят) ўқиманг, сизлар нима иш қилмангиз, ўша ишларга киришган пайтингизда Биз Сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиб турдик...». [Юнус: 61]. .

Суннатдан далил: машхур Жаброил ҳадиси. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу айтади:

"بَيْنَمَا نَحْنُ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ ذَاتَ يَوْمٍ، إِذْ طَلَعَ عَلَيْنَا رَجُلٌ، شَدِيدُ بَيَاضِ الثِّيَابِ، شَدِيدُ سَوَادِ الشَّعْرِ، لَا يَرَى عَلَيْهِ أَثَرُ السَّفَرِ، وَلَا يَعْرِفُهُ مِنَّا أَحَدٌ، حَتَّى جَلَسَ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَأَسَدَ رُكْبَتَيْهِ إِلَى رُكْبَتَيْهِ، وَوَضَعَ كَفَّيْهِ عَلَى فَخْذَيْهِ، وَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ!

«Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида ўтирган эдик. Бир пайт кийимлари оппоқ, соч-соқоли қоп-қора, устида сафар аломати кўринмаётган (кийимларига гард қўнмаган-ки, узоқдан сафар қилиб келибди, десак) ва биронтамиз ҳам уни танимайдиган бир киши тўсатдан кириб келди. У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб ўтирди, икки тиззасини (Расулulloҳнинг) тиззаларига тиради, икки қўлини (ўзининг) сони устига қўйиб, «Эй Муҳаммад!

أَخْبَرَنِي عَنِ الْإِسْلَامِ؟

Менга Ислom ҳақида хабар бер», деди.

فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: الْإِسْلَامُ: أَنْ تَشْهَدَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَتُقِيمَ الصَّلَاةَ، وَتُؤْتِيَ الزَّكَاةَ، وَتَصُومَ رَمَضَانَ، وَتَحُجَّ الْبَيْتَ إِنْ اسْتَطَعْتَ إِلَيْهِ سَبِيلًا، قَالَ: صَدَقْتَ - فَعَجَبْنَا لَهُ، يَسْأَلُهُ وَيُصَدِّقُهُ -.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ислom – «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва албатта, Муҳаммад Унинг элчисидир», деб гувоҳлик беришинг, намозни тўқис адо этишинг, закот беришинг, Рамазон рўзасини тутишинг ва йўлига қодир бўлсанг Байтга (Каъбага) ҳаж қилиб боришинг», дедилар. У: «Тўғри айтдингиз», деди. Унинг ишидан

ажабландик: ўзи сўраб, (жавобни) ўзи тасдиқлаяпти.

قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِيمَانِ؟

Жабройил алайҳиссалом: «Менга иймон нималиги ҳақида хабар бер», деди.

قَالَ: أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ، وَمَلَائِكَتِهِ، وَكُتُبِهِ، وَرُسُلِهِ، وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَتُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ، قَالَ: صَدَقْتَ.

У зот дедилар: «Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, Қиёмат кунига ва тақдирнинг яхшисию ёмонига иймон келтиришингдир». У: «Рост айтдингиз», деди.

قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِحْسَانِ؟

«Менга Эҳсон нималиги ҳақида хабар бер?» деди.

قَالَ: أَنْ تُعْبُدَ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ، فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳни кўриб тургандай ибодат қилиш, агар уни кўриб тургандай ибодат қила олмасанг, У Зот сени кўриб турибди деб ибодат қилиш».

قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ السَّاعَةِ؟

У деди: «Қиёмат соати ҳақида менга хабар беринг?»

قَالَ: مَا الْمَسْئُولُ عَنْهَا بِأَعْلَمَ مِنَ السَّائِلِ.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У ҳақда сўралган одам сўровчидан билувчироқ эмас», дедилар.

قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنْ أَمَارَاتِهَا؟

У: «Унда, унинг аломатлари ҳақида менга хабар беринг», деди.

قَالَ: أَنَّ تِلْدَ الْأُمَةِ رَبَّتْهَا، وَأَنَّ تَرَى الْحِفَاةَ الْعُرَاةَ الْعَالَةَ رِغَاءَ الشَّاءِ، يَتَطَاوَلُونَ فِي الْبُنْيَانِ.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: Чўри ўзининг бекасини туғиши ва ўзлари ялангоёқ, яланғоч, камбағал бўлган қўйбоқарлар фахр ва риё учун бино қураётганини кўрасиз.

قَالَ: ثُمَّ انْطَلَقَ فَلَبِثْتُ مَلِيًّا، ثُمَّ قَالَ لِي: يَا عُمَرُ! أَتَدْرِي مَنِ السَّائِلُ؟ قُلْتُ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَغْنَمُ، قَالَ: فَإِنَّهُ جَبْرِيلُ، أَتَأْكُمُ يُعَلِّمُكُمْ دِينَكُمْ".

Кейин у одам кетди. Бир муддат жим туриб қолдик. Кейин (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эй Умар, бу савол берувчи кимлигини биласанми?» дедилар. «Аллоҳ ва Расули билгувчироқ», деб жавоб бердим. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:) «У Жаброил. Сизларга динингизни ўргатиш учун келган эди», дедилар.

[Учинчи асос]

Пайғамбарингизни, яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни таниш. У киши – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошимдир. Ҳошим Қурайшдан, Қурайш араблардан, араблар эса Исмоил алайҳиссалом

– Иброҳим Халил алайҳиссаломнинг ўғли – зурриётидандир. Иброҳим алайҳиссаломга ва Пайғамбаримизга энг афзал салавоту саломлар бўлсин.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умрлари олтмиш уч йил бўлган: қирқ йили пайғамбарликдан олдин, йигирма уч йили эса пайғамбар ва расул бўлиб ўтган.

У зот «Ўқи!» (ояти) билан пайғамбар қилинди, «Муддассир» (сураси) билан расул қилиб юборилди, (туғилган) шаҳри эса Маккадир.

Аллоҳ таоло У зот соллалоҳу алайҳи ва салламини ширкдан огоҳлантириш ва тавҳидга даъват қилиш учун юборди. Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿يَا أَيُّهَا الْمَدْيَنِيُّ ۚ قُمْ فَأَنْذِرْ ۚ وَرَبَّكَ فَكَبِّرْ ۚ وَثِيَابَكَ فَطَهِّرْ ۚ وَالرُّجْزَ فَاهْجُرْ ۚ ۝ ۵ وَلَا تَمْنُنْ تَسْتَكْثِرُ ۚ وَلِرَبِّكَ فَاصْبِرْ ۚ﴾

«Эй, бурканиб ётган!

Туринг ва огоҳлантиринг!

Раббингизни улуғланг!

Либосларингизни покланг!

Бутлардан йироқ бўлинг!

Кўп санаб, миннат қилманг.

Раббингиз учун сабр қилинг» [Муддассир: 1-7].

Бунинг маъноси:

﴿فَمَاقْأَنْذِرْ﴾:

«Туринг ва огоҳлантиринг!»: Ширкдан огоҳлантиради ва тавҳидга даъват қилади.

﴿وَرَبَّكَ فَكَبِّرْ﴾

«Раббингизни улуғланг!»

Яъни Аллоҳ таолони тавҳид билан улуғланг.

﴿وَوَيْلٌلَّكَ فَطَهِّرْ﴾

«Либосларингизни покланг!»

Яъни: амалларингизни ширкдан пок тутинг.

﴿وَالرُّجْزَ فَاهْجُرْ﴾

«Бутлардан йироқ бўлинг!»

Ружз — бу бутлар. Улардан йироқлашиш — уларни тарк этиш ва улардан ҳам, уларнинг аҳлидан ҳам поклик изҳор этишдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шу йўсинда ўн йил давомида тавҳидга — Аллоҳнинг ягона Зот эканига — даъват қилдилар. Ўн йилдан кейин осмонга олиб чиқилдилар ва У зотга беш вақт намоз фарз қилинди. Сўнг Маккада уч йил намоз ўқидилар.

Кейин эса Мадинага ҳижрат қилишга буюрилдилар.

Ҳижрат — ширк диёридан Ислом диёрига кўчишдир.

Ширк диёридан Ислом диёрига ҳижрат қилиш ушбу умматга фарздир ва у қиёмат қоим бўлгунча бардавомдир.

Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿إِنَّ الَّذِينَ تَوَفَّيْنَاهُمُ الظَّالِمِينَ أَنْفُسُهُمْ قَالُوا فِيمَ كُنْتُمْ قَالُوا كُنَّا مُسْتَضْعَفِينَ فِي الْأَرْضِ قَالُوا أَلَمْ تَكُنْ أَرْضَ اللَّهِ وَسِعَةً فَتُهَاجِرُوا فِيهَا فَأُولَٰئِكَ مَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ وَسَاءَتْ مَصِيرًا 97 إِلَّا الْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ وَالْوِلْدَانِ لَا يَسْتَطِيعُونَ حِيلَةً وَلَا يَهْتَدُونَ سَبِيلًا 98﴾

«Ўз жонларига жабр қилганларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: «Қандай яшадингиз?» деганларида: «Ер юзида заифлаштирилган эдик», дедилар. (Шунда фаришталар): «Аллоҳнинг ери кенг эди-ку?! Ҳижрат қилсангизлар (бўлмасмиди)?!» дейишди. Ана ўшаларнинг жойлари жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон жой!

Бирон чорасини қилолмай, ҳижрат қилишга йўл тополмай, чорасиз қолган кишилар, аёллар ва болалар бундан мустасно» [Нисо: 97, 98].

Яна Аллоҳнинг қуйидаги сўзида келган:

﴿يُعْبَادِي الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّ أَرْضِي وَسِعَةٌ فَإِنِّي فَاعِبْدُون﴾ (56)

«Эй иймон келтирган бандаларим, албатта, Менинг ерим кенгдир. Бас, Менгагина ибодат қилинглар» [Анкабут: 56].

Бағовий раҳимахуллоҳ айтадилар: «Бу оятнинг нозил бўлиш сабаби: Маккада бўлиб, ҳижрат қилмаган мусулмонлар ҳақидадир. Аллоҳ уларга иймон номи билан хитоб қилди».

Ҳижратнинг суннатдан далили Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзи:

"لَا تَنْقُطُ الْهَجْرَةُ حَتَّى تَنْقُطَ التَّوْبَةُ، وَلَا تَنْقُطَ التَّوْبَةُ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ مِنْ مَغْرِبِهَا".

«Ҳижрат тавба эшиги ёпилмагунча узилмайди. Тавба эшиги эса қуёш мағрибдан чиқмагунича ёпилмайди».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келиб ўрнашганларидан сўнг, Ислом шариатларининг қолган қисми, масалан, закот, рўза, ҳаж, азон, жиход, маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш — жорий қилинди. У зот шу тарзда ўн йил яшадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар, дини эса боқий қолди. Бу эса У зотнинг динидир: умматга ҳар қандай

яхшиликнинг йўлини кўрсатганлар, ҳар қандай ёмонликдан эса огоҳлантирганлар.

Йўл кўрсатилган яхшилик эса, тавҳид ва Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган барча нарсалар.

Огоҳлантирилган ёмонлик, ширк ҳамда Аллоҳ таоло ёқтирмайдиган ва рад этадиган барча нарсалар.

Аллоҳ таоло У киши соллаллоҳу алайҳи ва салламни жамийки инсонларга юборди ва у зотга итоатни барча тоифа, жин ва инсонларнинг зиммасига фарз қилди. Далил Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи:

﴿قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا...﴾

«Айтинг: «Эй одамлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг элчисиман...» [Аъроф: 158].

Аллоҳ таоло у билан динни комил этди. Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидир:

﴿...الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتِمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا...﴾

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим ва неъматимни тўкис қилиб бердим ҳамда

сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» [Моида: 3].

У зотнинг вафотига далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿إِنَّكَ مَيِّتٌ وَإِنَّهُمْ مَيِّتُونَ 30 ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ عِنْدَ رَبِّكُمْ تَخْتَصِمُونَ 31﴾

«Дарҳақиқат, сиз ҳам ўлгувчисиз, улар ҳам ўлгувчидирлар.

Кейин Қиёмат куни, албатта, Раббингиз ҳузурида хусуматлашасизлар» [Зумар: 30, 31].

Инсонлар ўлганларидан сўнг қайта тирилтирилурлар. Бунинг далили Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи:

﴿مَنْهَا خَلَقْنَاكُمْ وَفِيهَا نُعِيدُكُمْ وَمِنْهَا نُخْرِجُكُمْ تَارَةً أُخْرَى 55﴾

«Сизларни ундан яратдик, унга қайтарамиз ва яна бир бор ундан чиқариб оламиз» [Тоҳа: 55]. Ва яна Аллоҳ таолонинг ушбу сўзида келганидек:

﴿وَاللَّهُ أَنْبَتَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ نَبَاتًا 17 ثُمَّ يُعِيدُكُمْ فِيهَا وَيُخْرِجُكُمْ إِخْرَاجًا 18﴾

«Аллоҳ сизларни ердан ундириб чиқарди.

Кейин сизларни унга қайтаради ва яна чиқариб олади» [Нух: 17, 18].

Қайта тирилишдан кейин ҳисобга тортилиб, қилган амалларига яраша мукофот ва жазолари

берилур. Бунинг далили Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿...لِيَجْزِيَ الَّذِينَ أَسَاءُوا بِمَا عَمِلُوا وَيَجْزِيَ الَّذِينَ أَحْسَنُوا بِالْحُسْنَى﴾
«...ёмонлик қилганларнинг жазосини, яхшилик қилганларнинг эса мукофотини бериши учун» [Нажм: 31].

Ким (Қиёмат кунида) қайта тирилишни ёлғонга чиқарса, кофир бўлади. Далил Аллоҳ таолонинг сўзи:

﴿زَعَمَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنْ لَنْ يُعَذِّبَهُمُ اللَّهُ بِمَا عَمِلُوا وَلَئِنْ عَلِمُوا لَمْ يُغْنِ عَنْهُمْ شَيْئًا فَلَا يَصِلُونَ إِلَى اللَّهِ لَا يَصْلَاهُ السَّيِّئِينَ هَلْ يَنصَرُونَ﴾
﴿وَذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ﴾

«Куфр келтирган кимсалар ҳеч қачон қайта тирилмасликларини даъво қилдилар. Айтинг: «Асло! Раббимга қасамки, албатта, қайта тирилурсизлар, кейин, албатта, қилган ишларингиз ҳақида хабар берилурсизлар. Бу иш Аллоҳга осон» [Тағобун: 7].

Аллоҳ таоло барча пайғамбарларни (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) қўрқитувчи қилиб юборди. Далил эса Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидир:

﴿رُسُلًا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَ الرُّسُلِ...﴾

«Пайғамбарларки, хушхабар элтувчи ва қўрқитувчидирлар.Токи бу пайғамбарлардан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши бирон ҳужжат қолмасин» [Нисо: 165].

Пайғамбарларнинг аввали — Нух алайҳиссалом.

Пайғамбарларнинг сўнгиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдир. У зот пайғамбарларнинг хотами-охиргисидирлар. У зотдан кейин бошқа пайғамбар йўқ. Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ...﴾

«Муҳаммад эр кишиларингиздан биронтасининг отаси эмас. Лекин у Аллоҳнинг элчиси ва набийларнинг охиргиси...» [Аҳзоб: 40].

Уларнинг аввали Нух эканлигига далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَى نُوحٍ وَالنَّبِيِّينَ مِنْ بَعْدِهِ...﴾

«Биз Нухга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби сизга ҳам ваҳий юбордик...» [Нисо: 163].

Аллоҳ таоло ҳар бир умматга — Нухдан то Муҳаммадгача — пайғамбар юборган; у уларни

ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга буюриб, тоғутга ибодат қилишдан қайтарар эди. Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطُّغُوتَ...﴾

«Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг...», деб Пайғамбар юборганмиз» [Нахл: 36].

Аллоҳ таоло барча бандаларига тоғутни инкор қилиш ва Аллоҳга иймон келтиришни фарз қилди.

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Тоғут»нинг маъноси: банда у билан ўз ҳаддидан ошадиган ҳар қандай — ибодат қилинадиган, эргашиладиган ёки итоат қилинадиган нарса».

Тоғутлар кўпдир. Уларнинг бошчилари бешта: Иблис — Аллоҳ уни лаънатласин, ўзи ибодат қилинишига рози бўлган кимса, одамларни ўзига ибодат қилишга даъват этган кимса, ғайб илмидан бирор нарсани даъво қилган кимса ва Аллоҳ нозил қилганидан бошқаси билан ҳукм қилган кимса.

Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيِّ فَمَنْ يَكْفُرْ بِالطَّاغُوتِ وَيُؤْمِنْ بِاللَّهِ فَقَدْ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ لَا انْفِصَامَ لَهَا وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾ (256)

«Динда мажбурлаш йўқ. Ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир» [Бақара: 256]. Бу «Лаа илааҳа иллаллоҳ», деган сўзнинг маъносидир. Ҳадисда эса:

"رَأْسُ الْأَمْرِ: الْإِسْلَامُ، وَعَمُودُهُ: الصَّلَاةُ، وَذِرْوَةُ سَنَامِهِ: الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ."
«Ишнинг боши — Ислом, унинг устуни — намоз, унинг энг чўққиси — Аллоҳ йўлидаги жиҳоддир», деб келган.

Аллоҳу аълам.

Мундарижа

Уч асос ва унинг далиллари	2
Уч асос ва унинг далиллари	2
[Биринчи асос]	7
[Иккинчи асос]	14
[Учинчи асос]	23

uz36v2.0 - 03/09/2026